

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ


Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 173 (9.976)

2003 ЙИЛ 1 СЕНТЯБРЬ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ



миз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт пойдеворини қуришда бу давр, шакшубҳасиз, асрлар давомида босиб ўтган масофага тенг бўлди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шу йўлда қанча-қанча суронли ва тўфонли кунларни, машаққатли, оғир синовларни бошимиздан кечириб, ўта хавфли ва таҳликали вазиятларда эл-юртимизни омон сақлаб, бу кунларга етиб келиш насиб этгани учун Оллоҳ таолога шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Азиз ватандошларим, кадрдонларим!

Бугун биз амалга оширган улкан ишларимизга яқун ясаб, узоқ ва яқин-атрофимиздаги ҳудудларда рўй берётган воқеа-ҳодисалардан сабоқ ва хулоса чиқаришимиз, аввало нақадар нотинч ва мураккаб дунёда яшаётганимизни чуқур англаб олишимиз, буюқ мақсадларимизга эришиш учун хушёр ва сезgir бўлиб, азму шижоат билан ўз танлаган йўлимизни давом эттиришимиз зарур.

Бугун эл-юртимизнинг ният ва орзулари, интилиш ва ҳаракатлари, ўз олдига қатъий қилиб қўйган мақсадлари аниқ ва равшан. У ҳам бўлса:

— она Ватанимизнинг тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, ҳаёtimиз барқарорлигини, миллатлараро тотувлигини асраб-авайлаш ва янада мустақамлаш. Хонадонимизга таҳдид солаётган халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотик каби бало-қазоларни остонамизга мутлақо яқин йўлатмаслик;

— ҳаёtimизда ҳали-бери учраб турадиган бепарволик ва лоқайдликдан воз кечиб, замон шиддати олдига бўш келмасдан, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий соҳаларда бошлаган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва охирига етказиш;

— жаҳон ҳамжамияти билан ҳам-ҳанг бўлиб, инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, де-

мократик кадрятларни ҳаёtimизда қарор топтириш, бу борада эски тузумдан қолган асорат ва ёндашувларга бутунлай барҳам бериш, бунинг учун мустақкам ҳуқуқий ва амалий замин яратиш;

— буюқ аждодларимиз асрлар давомида яратган бекиёс маънавий ва маърифий меросимизни, миллий кадрятларимизни янада бойитиш ва ривожлантириш, фарзандларимизни етук инсонлар этиб воёга етказиш, уларнинг бахти ва қамоли учун ҳеч нарса ни аямаслик — давлатимиз ва жамияtimизнинг доимий устувор ва-зифаси бўлиб қолиши айниқса муҳимдир;

— мен мўътабар қарияларимиз, ота-оналаримизнинг хурмат-эҳтирмини жойига қўйиш, уларни ёнимизда юрган пайтларида кадрлаш, бир-биримизга меҳр-оқибат ва мурувват кўрсатиш каби халқимизнинг азалий фазилатлари барчамизга ҳамиша ҳамроҳ бўлишини истардим.

Ушбу ҳаяжонли лаҳзаларда қалбимдаги эзгу ҳис-туйғуларни изҳор этиб, аввал айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман:

Азиз дўстлар!

Жаҳон — кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз, Ўзбекистонимиз яққо ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Шу улуг туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаёtimиз мазмунига айлланиши лозим.

Мана шу мунаввар оқшомда сиз, муҳтарам юртдошларимни, олижаноб ва бунёдкор халқимизни истиқлолимизнинг ўн икки йиллик қутлуг айёми билан яна бир бор табриқлайман.

Барчангизга сихат-саломатлик, омад ва бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун — мамлакатимиз ҳаёtimда унутилмас тарихий кун, катта тантана.

Бугун халқимизнинг улуг байрами — Ватанимиз мустақиллигининг ўн икки йиллигини нишонламоқдамиз.

Мен мана шу юксак минбардан туриб, сиз азизларни, шу муқаддас заминда яшаётган барча-барча юртдошларимизни ушбу қутлуг айём билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман. Фурсатдан фойдаланиб, бизнинг бугунги қувончимизга шерик бўлаётган хорижий меҳмонларимиз, дипломатик корпус ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам шу буюқ сана билан қутлашдан бахтиёрман.

Хурматли дўстлар!

Бугун мустақиллигимиз ўн икки ёшга тўлмоқда, таъбир жоиз бўлса, ўзининг мучал тўйини нишонламоқда. Ўйини, Шарқда азалдан хосиятли деб ҳисобланган навқирон ёшга тўлмоқда.

Ўн икки йил, бир қараганда, ҳар қайси мамлакат ва давлат учун, ўз олдига қўйган эзгу мақсадларга, юксак тараққиёт ва фаровон ҳаётга эришиш учун, ҳақиқатан ҳам, тарих ўлчовларида қисқа бир муддат.

Лекин шу давр мобайнида ўз она юртимиз — Ўзбекистонимизда янги ҳаёт, янги жамият, демократик давлат барпо этиш йўлида, ўзлгимизни англаш, миллий кадрят ва урф-одатларимизни тиклашда, бир сўз билан айтганда, ўзимиз учун, фарзандлари-

да, стол устидаги китобларига тикилди. Авайлаб "Алифбе"сини варақлади. У ҳали ўқишни билмайди. Аммо мана бу байроқ Ўзбекистон байроғи эканини,


Хумо куши тасвири туширилган мана бу тамга Герб деб аталishi-ни, юзидан нур ёғилиб турган мана бу киши Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов эканини яхши билади. Қизалоқ боғчада ўрганган қўшигини хиргойи қилади: Серкуёш хур ўлкам, элга бахт нажот...

"Мустақиллигимиз абадий бўлсин!" дея ҳайқиради болакай. У ушбу эзгу тилакни бундан ўн икки йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тантанали равишда изҳор этганини билмайди. У ҳозирча тарихий адолат қарор топганини, ўзбек деган миллат ўзининг асрий орзусига эришганини, тили, дини, урф-одатлари қадр топганини, ўн икки йилдан буён Ватанимиз озод, юртимиз обод, кўнглимиз шод эканини англамайди...  
(Давоми 3-бетда).

## МАНГУ ПОРЛАР ЭРК ҚУЁШИ

Тонг отди. Бу тонг бошқа тонгларга ўхшамайди. Истиқлол тонги бу...

...Ҳали кўзидан уйқуси ўчмаган қизалоқ шошиб ўрнидан турди-



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 1998 ЙИЛ  
9 АПРЕЛДАГИ «ХУСУСИЙ  
ТАДБИРКОРЛИК, КИЧИК ВА ЎРТА  
БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ  
ЯНАДА РАҒБАТЛАНТИРИШ  
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ  
ФАРМОНИГА ЎЗГАРТИШ ВА  
ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Кичик тадбиркорликни жадал ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётида хусусий сектор улуғини ошириш, ишлаб чиқариш соҳасида аҳоли бандлигини тўлароқ таъминлаш учун янада қулай шароит яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг 1-банди қуйидаги тахрирда берилсин:

«1. Белгилаб қўйилсинки, 2004 йилнинг 1 январидан кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига қуйидагилар кирди:  
якка тартибдаги тадбиркорлар,  
ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, унгуручи, чакана савдо ва умумий оқватлаш соҳасида 5 кишидан ошмаган микрофирмалар;

қуйидаги тармоқларнинг ўртача йиллик ходимлари сони;

енгил ва озиқ-овқат sanoati, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, меbel sanoati ва қурилиш материаллари sanoati — 100 кишидан;  
машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё sanoati, қишлоқ ҳўжалиги махсусотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа sanoat ишлаб чиқариш соҳалари — 50 кишидан;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий оқватлаш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳалар — 25 кишидан ошмаган кичик корхоналар».

2. Белгилаб қўйилсинки, 2004 йил 1 январдан: мазкур Фармоннинг 1-бандида кўрсатиб ўтилган микрофирма ва кичик корхоналарга амалдаги қонунчилик билан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган солиқ имтиёзлари ва преференциялари таъбиқ этилади;

микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ўртача йиллик ходимлари сонини аниқлашда шўьба корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарда ишловчи ходимлар сони ҳам ҳисобга олинади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Давлат статистика қўмитаси, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан биргаликда икки ҳафта мuddатда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига кирувчи рўйхатга олинган корхоналарнинг аниқ таснифини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони 1-бандининг бешинчи хатбоши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Фармони иловасининг 2-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда бир ой мuddатда амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни мазкур Фармон бандларига мувофиқлаштириш бўйича тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ҳ.Султонов зиммасига оқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2003 йил 30 август.

# Шаҳидлар хотираси барҳаёт



31 август тонггида Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуи янада гажам бўлди. Мустақиллик йўлида жон фидо этган, мустабид тузум қурбонлари бўлган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун бир гуруҳ юртдошларимиз бу ерга келди. Барчанинг қалбига шаҳидлар хотирасига ҳурмат, эришган қутлуғ қунарларимизга шўкроналик туйғуси муҷассам. Мустақиллик кўни байрами арафасида шаҳид кетган ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш билан нафақат ўтмишимиз, балки бугунги ёруғ қунарларимизни ҳам янада теранроқ англаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов Қатағон қурбонларини ёд этиш кўни муносабати билан пойтахтимиздаги Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуида бўлиб ўтган маросимда иштирок этди.

Бу ерда шаҳидлар ҳақида Куръон тиловат қилинди.

— Ҳар бир мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг унинг олдида қўндан қўп муҳим масалалар пайдо бўлади,

- деди давлатимиз раҳбари. - Шундай эзгу ишлардан бири бугунги қутлуғ қунарларга эришимизга муносиб ҳисса қўшган инсонлар хотирасини эъозлаш бўлмоғи керак. Элимиз озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимиз ёдини доимо эсда тутмоғимиз даркор.

Мустабидлик жафосини қўрган киши мустақиллик қадрини, айниқса, теранроқ англайди. Ўтган асрнинг 80-йилларида собиқ марказдан юборилган «десантчилар» тўдаси халқимиз бошига не қунарли солганини бу ерга йилгиланларнинг қўпчилиги қўрган, бево-сита гувоҳ бўлган.

Аждодлар хотирасига ҳурмат бажо этиш ҳар бир инсон учун фарз, деди Ислоом Каримов. Бугунгидек қутлуғ қунарларда Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуига келиб, қатағон қурбонларини зийбат этиш кишининг руҳини янада поқлайди.

Ўзлигини англамаган халқ ўз қадрига ҳам етмайди. Шунинг учун бугунги авлод-аждодлар меросидан фақат фалҳрани эмас, балки уни ривожлантириши ҳам зарур. Ўшанда биз халқимизнинг улўғ инсонлари олдидаги фарзандлик қарзимизни узган бўламиз. Шу боис ёшларимиз қалбига бугунги ҳаёт ҳақиқатини тўла сингдиришимиз керак. Ўзлигини, аждодлари кимлигини теран англаган ёшлар ҳил бузғунчи гўялар таъсирига тушмайди. Фирқи тоза бўлади, эл-юрт ва унинг тинчлиги, фаровонлиги учун масъулигини ҳис қилиб яшайди.

Иштиқол йилларида қўп эзгу, улўғ ишларни амалга оширдик ва оширмақдамиз. Ҳар бир фуқаро бу жараёнда фақат томошабин эмас, балки унинг фаол иштирокчисига айланмоғи керак, фарзандларимизнинг яхши яшашини учун ҳар ким ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим, деди Ислоом Каримов.

Давлатимиз раҳбари суҳбат чоғида Қатағон қурбонлари хотираси мўзеида турли анжуманлар ўтказиш, ёшлар, ўқувчилар учун ҳил учрашувлар ташкил этиш лозимлигини таъкидлади.

Анвар КАРИМОВ,  
ЎЗА мухбири

## ХУШ ҚОЛ, КЎҲНА ЗАМИН, ШАРҚ ТАРОНАСИ!

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва рўйи-замин сайқали — қўҳна Самарқандда олти кун давом этган «Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро мусиқа фестивали ақунланди.

Шу кунлар мобайнида Регистон майдонида, «Муъжиза» амфитеатри, «Ешлик», «Сўғдиёна» истирохат боғлари саҳнасига, Уругут, Тайлоқ, Самарқанд, Пастдарғом туманларида Шарқ мусиқа санъатининг ноёб дурдоналари минглаб мухлислар қалбини ром этди. Фестиваль танловига тақдим этилган куй ва қўшиқларни самарқандликлар ва шаҳар меҳмонлари қизгин олқишлаб турди. Фестивалда қирққа яқин мамлакат вакиллари ҳам шаклан, ҳам мазмунан ранг-баранг тароналар, ўзларида-да тушунлики тилда қўшиқлар ижро этсалар-да, уларнинг ҳар бирида чин инсоний меҳр-муҳаббат туйғулари акс этиб турди.

Регистон майдони 30 август кўни фестивал катнашчилари, узок-яқиндан келган меҳмонлар, мусиқа иҳлосмандлари билан янада гажамлашди. Шу кўни оқшом халқаро мусиқа фестивалининг ёпилиш маросими бўлди.

«Шарқ тароналари» тўртинчи халқаро мусиқа фестивали голиблари ва совриндорлари эълон қилинди. Ҳақамлар ҳайъати Тува республикасининг (Россия) «Франхал» миллий ансамблини Гран-при — фестивалнинг энг олий совринига муносиб деб топди. Биринчи мукофот билан Дилнура Мирзақуллова (Ўзбекистон) ва Фозил Жамшидий (Эрон) тақдирланди. Иккинчи мукофот тожикистонлик Озода Ашурова ҳамда озарбайжонлик Зобит Набизовага насиб этди. Афғонистонлик ва бангладешлик санъаткорлар фестивалнинг учинчи мукофоти билан тақдирланди. ЮНЕСКОнинг махсус совринларини хиндистонлик ва исроиллик санъ-

аткорларга ҳамда ўзбекистонлик созанда Абдухўшнинг Исмоилова берилди.

Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов, фестивал ҳақамлар ҳайъати раиси Ким Шин Ван, ЮНЕСКО Бош конференцияси президенти Аҳмад Жалолий ҳамда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили Майкл Барри Лейн топширди.

Фестивалнинг ҳар бир кўни унутилмас учрашув ва мулоқотлар билан кечди. Хорижлик меҳмонлар вилоят туманларида бўлиб, мусиқа иҳлосмандлари билан дилдан суҳбатлашди. Халқимизнинг турмуши, урф-одатлари, аънава ва маросимлари билан қизиқди. Самарқанднинг қутлуғ қаддамлари — Улуғбек расадхонаси, Шохизинда, Бибиҳоним, Гўри Амир ёдгорликларини ҳайрат билан томоша қилди.

«Шарқ тароналари» мамлакатимизнинг улкан салоҳияти, халқимизнинг бой маънавияти ва санъатига дунё халқларининг, хусусан, санъат аҳлининг юксак эҳтиромини ифодасидир. Фестиваль боис дунё Шарқ маданиятидан, ўзбек санъатининг улўғвор аънаваларидан янада кенгроқ бохабар бўлди.

Фестиваль байроғи туширилди. Халқаро мусиқа байрамининг иштирокчилари икки йилдан сўнг яна шу ерда, мафтўнкор Самарқандда учрашмоқ ниятида хайрлашдилар.

Мусиқа анжуманининг ёпилиш маросимида Самарқанд вилояти ҳокими Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Воҳид ЛУҚМОНОВ,  
Ақбар ҚАРШИЕВ,  
ЎЗА мухбирлари.

### XVI сағоси

Барча мамлакатлардан  
қилган сўзга заберилад

#### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислоом Каримов номига юртимиз Мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан хорижий давлатлар раҳбарларидан самимий қутловлар келиши давом этмоқда.

● Қашқадарь вилоятининг Қарши шаҳрида Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги арафасида «Uz Veges» Ўзбекистон-Америка қўҳна корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Янги қўҳна корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати бир ойда 250 тонна макарон ва 150 тонна қандолат махсусотларини ишлаб чиқаришга имкон беради.

● Андижон—Шаҳрихон йўлини реконструкция қилиш ишлари низоюсига 400 нафар ўзбекистон улўғлиқдаги ушбу замонавий олти қаторли автомобиль йўли ҳайдовчилар учун қўллаб қулайликлар яратади.

● Амударё туманидаги «Кангли» деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари спорт мажмуидан стадион, сузқувчи мўлжалланган янги мактаб биноси фойдаланишга топширилди.

● Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кўнига Тошкент вилоятининг Қибрай туманида эшик йўли билан ўнта янги гузар бўлиб этлиди.

● Жиззах Давлат педагогика институтида янги спорт мажмуининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мустақиллигимизнинг қутлуғ 12 йиллик тўйи арафасида фойдаланишга топширилган янги спорт мажмуидан стадион, сузқувчи, волейбол, баскетбол ва қўп тўти майдончалари, енгил атлетика йўлакчари ўрин олган.

#### Жаҳонда

● Кеча Корачой-Черкесияда Президент сайловларининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

● Кеча Халқаро космик станцияси ва «Прогресс» юк кемасини олиштириш жараёни амалга оширилди.

● Икки ҳафтада Колима вулкони уйқонди.

● Ироннинг Нажаф шаҳрида ушбу мамлакат махсус хизматлари архиви топилди.

● Россия Федерацияси Алоқа вазирлиги томонидан мевалар хидматини таратиб турадиган почта маркалари мўамалага чиқарилди. Янги туркумдаги бешта марказда қулўнай, ковуи, олма, нок ва ананас тасвирланган бўлиб, уларнинг ҳар бири тегишли мева хидини таратадиган ҳушбўй елим билан қолланган.


Ватанимиз мустақиллигининг ўн икки йиллиги арафасида Фидокорлар миллий демократик партияси жойларда меҳр-саховат тадбирларини кенг қўламада ўтказишмоқда.

## Меҳр-мурувват тадбири

Партия Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда «Fidokor» газетаси ҳамкорликда пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган 31-меҳрибонлик уйида мурувват кечасини ўтказди. Тадбирда сузга чиққан FMDP МК биринчи қотиби, фракция раҳбари Ахтам Турсунов, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислоом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ишлохотлар, хусусан, ёш авлодини тарбиялаш, ногиронларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш сийбятининг инсонпарвар моҳияти хусусида гапирди.

Меҳрибонлик уйида FMDP аъзолари — Урта Осиё Ардем компанияси раҳбари Руслан Раҳматқориев ва «Файз-барокат груп» компанияси раиси Муҳидин Акрамовнинг ҳомилик саховати билан катта байрам дастурхони безатилди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирокда байрам концерти намойиш қилинди. Партия етакчисини Ахтам Турсунов FMDP номидан болаларга икки дона рангли телевизорни совға сийфатида топширди.

Тадбирда иштирок этган Тошкент шаҳар Оқшорқолар Кенгаши ва «Маҳалла» жағмараси раиси Рихситилла Акрамов барча иштирокчилар номидан Фидокорлар миллий демократик партиясига миннатдорчилик билдирди.



# МАНГУ ПОРЛАР ЭРК ҚУЁШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қуёш бугун Мустақиллик майдонига тушади. Тонг қадар шуълаланиб, нур сочи туради. Бугун Тошкентнинг ҳамма кўчалари Мустақиллик майдонига элтади. Ўзбекининг энг катта байрами шу ердан бошланади ва қанот қоқиб бутун юрт узра парвоз айтади. Ватанимиз сарҳадлари бўйлаб кезаётган бу саррин ел энг чекка қишлоқдаги хонадонларга кириб боради. Кўчаларни тўлдириб бораётган одамлар оқими ўша шуъла томон, МУСТАҚИЛЛИК ҚУЁШИ томон интилади.

Ўзбекининг байрамлари кўп, тўйи кўп, яхши кунлари кўп. Аммо у шу кунни - Мустақиллик кунини интизорлик билан кутилади.

Биз бугундан гапирганда эртани ўйлайдиган, эртадан сўзлаганда кечани унутмайдиган миллатимиз. Шоён кунларимиздан масрур бўлганимизда қоронғу тунларимизни эслаймиз ва ёруқ кунларга етаклаганига шукр қиламиз. Истиклол истиклол эканини, истиклол масъулият эканини яхши биламиз. Яшаш масъулияти, Ватанга садоқат, соғлом авлодни вояга етказиш, ота-боболар меросини асраш, юртни обод қилиш масъулияти.

Мустақилликнинг ҳар бир йили асрларга тенг. Ўтган ўн икки йил ичида биз оламшумул ютуқларга эришдик. Иктисодиётни мустахкамлаб, миллий давлатчиликни қарор топтирдик, фуқаролар онгига улкан ўзгаришлар юз берди, янгича тафаккур шаклланди, миллий меросимизни, ўнлаб буюқ аждодларимизнинг номи ва шухратини, азалий удумларимиз ва аъёнларимизни қайта тикладик.

Ўтган йилларда эришилган ютуқларни санаб эдогога етолмаймиз. Юртимиз ҳақонга юз тутганидан гапирайликки, ўзбек фарзандлари дунёнинг нуфузли олий ўқув юрталарида таълим олаётгани-ю, жаҳон спорт майдонларида юртимиз байрогини баланд кўтарётганидан сўзлайликми! Фарзандлари қора меҳнатдан бошқасига ярамайди деб қамситилган юртда замонавий автомобилсозлик санаоти пайдо бўлганини айтилайликми! Энг чекка қишлоқларимизга ҳам санаот кириб бораётгани, юзлаб қўшма корхоналар ташкил этилгани, кичик корхоналарнинг эса сон-саногини йўқлиги ҳақида гапирайликми!?

Бир пайтлар "хомашё базаси" деб аталган Ўзбекистонда эндиликда оғир ва енгил санаот, автомобилсозлик ва машинасозлик, самолётсозлик, кончилик, нефтьга, қайта ишлаш санаотида катта ютуқлар қўлга киритилаётганини бутун дунё билади. Нефть, галла мустақиллигига эришдик. Барқарор ривожланиш пойдевори яратилди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги шовшлнч тез тиббий ёрдам илмий марказлари тизимининг ташкил этилиши жаҳон таърибисидан янгилик сифатида эътироф этилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури эса узлуқсиз таълимнинг, халқ ҳўжалигининг турли тармоқларини малакали мутахассислар билан таъминлашнинг ўзбек модели сифатида шухрат қозонди. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар ҳақида гапирмасликнинг эса иложи йўқ. Салкам бир аср мобайнида ўз ери, ўз мулки бўлмаган ўзбек дехқонининг кўкрагига шамол теғди. "Фермер" деган тушунча уни мулкдорга айлантди, онгда янгилашнинг ясади. Одамларнинг мулка, меҳнатга муносабати ўзгарди.

Улғу байрам кунини мамлакатимиз ҳақдорлари эришган улкан ютуқлар ҳақида эсламасак, уларга тасаннолар айтимасак бўлмас. Улар мамлакатимиз тарихида энг улкан хирмонни яратди - галламиз олти миллион тоннага яқинлашиб қолди.

Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини танлаган Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида "Ўзбек модели" сифатида эътироф этилган ривожланиш йўлидан бормоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузи кун сайин ортиб бораётган. Бунинг боиси мамлакатимизнинг дунёдаги деярли барча давлатлар билан тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик асосида самарали ҳамкорлики тобора ривожлантираётгани, умуминсоний кадриятларга содиқлик, тинчлик ва хавфсизликни ас-

раб-авайлаш, халқаро ҳуқуқ устуворлиги каби тамойилларга тўла амал қилаётганидир.

АҚШ ва Япониядек қудратли давлатлар билан стратегик шериклик расмийлаштирилгани, бошқача айтганда, Магриб ва Машриқда қиёматли дўстлар, ишончли ҳамкорларга эга бўлганимиз ташки сийёсатимиздаги улкан галаба саналади...

Бугун Тошкентнинг барча кўчалари Мустақиллик майдонига элтади. Шафақ ол рангда товланади. Кўчаларни тўлдирган одамлар оқими минглаб чироқлар нуридан шуълаланаётган рамзий миноралар томон ошиқлади.

Ҳукумат аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, маданият ва санъат намояндлари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият юритаётган хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари, энг улғу ва энг азиз байрамимизга таъшир буюрган хорижлик меҳмонлар амфитеатр сахидан жой олди.

31 август. Соат 19.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов кириб келади. Байрам тадбирига таъшир буюрганлар Юртбошимизни қарсақлар билан кутиб олади.



Чорлов мусикаси янграб, байрам бошлаётганидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов минбарга тақдир этилади.

Юртбошимиз мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги муносабати билан ўшбу майдонга йирилганлари ва бутун Ўзбекистон халқини муборакбод этади.

Майдон узра Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди. Тик турганича, ўнг қўлини кўксига қўйиб унга жўр бўлаётган ва тандошларимиз қурагидан отилиб чиқаётган садолар бутун дунёга таралаётгандек. Аслида ҳам шундай. Миллий байрамимиз тантаналарини эллиқдан ортик мамлакат аҳли бевосита томоша қиладди. Шунингдек, Интернет тармоғи орқали у дунёнинг энг чекка нуқталарига кириб боради. Ҳа, Ўзбекистон Мадҳияси дунё бўйлаб жарангламоқда. У ўзбек тилининг гўзаллигидан, ўзбекининг саховатидан, тантлигидан, ўзбек табиатидан дунёни воқиф этади.

Пойтахт осмонидан минглаб юлдузлар порлайди. Митти кометалар янглиг учаётган бу юлдузлар жилоси, оловли махнутоллар - мушаклар ёғдуси майдон ахлини бир дам сеҳрлаб қўяди. Қалбларда отилган ҳайрат мушаклари кийкириқ бўлиб осмонга ўрлайди. Миноралардаги саноксиз чироқлар нурида ўн икки рақами пайдо бўлади.

**Ўн икки! Бир йилда ойлар миқдори,  
Ўн икки соатдан кечаю кундуз,  
Ўн икки йил эрар бир мучал бори,  
Байрогим эзру ҳам ўн икки юлдуз.**

Ўн икки бор отилган замбарқалар садоси Ўзбекининг энг улғу ва энг азиз байрами бошланганидан бутун дунёга жўр солади. Улкан сахнада театрлаштирилган томоша бошланади.

Энг гўзал шеър Ватан ҳақидаги шеър-

дир. Энг жозибали кўшиқ Ватан ҳақидаги кўшиқдир. Салкам бир аср "Бир кўшиқ бер, мудроқ қалбларни гафлат уйқусидан уйғотсин! Бир кўшиқ бер, мозий оёққа турсин! Бир кўшиқ бер, дўст қалбига ёғду, ганим юрагига қутқу солсин!" дея илтижо қилган халқнинг Ватан ҳақидаги кўшиғи бошланади. Қалбларга титроқ, кўзларга халқа-халқа мунчоқ солади бу кўшиқ! Сен ҳеч қимдан кам эмассан, паҳлавон, шавқатли халқ!

Шундай ҳаяжонли пайтда хаёл олиб қочади. Фароҳбахш дақиқаларда босиб ўтган йўлларимизга назар ташлагиси, кўкрак қериб, халқимиз қўлга киритган улкан ютуқлардан гурурлангиси келади кишининг.

Байрам бошланди. Ўзбекининг яловбардор ўғлонлари майдонга кириб келади. Чарх ураётган парирўй қизлар рақиси эса юракларни сел қилаётган оҳанглар қанотидан парвоз қиладди. Осмонга минг-минглаб шарлар учирилади.

Бу дунёда бола кийкиригидан қўра жозибалироқ товуш борми!? Болалар ярасин, болалар кулсин, еру қўкни қопласин шўх овзолари! "Болалар - юрт эртаси" - анъангага қўра жажжи болажонларимиз бошлаб берган байрам томошаси ана шундай номланади. Соғлом авлодни

кириб келади. "Тинчлик гаровидир юрт посбонлари" деб номланган бу қисмда барча қўшин турларининг вакиллари бўлган ҳарбийлар Ватанин мадҳ айлаб, Қуролли Кўчларимиз қудратини намойиш этади. Уларга қараб дилларда ифтихор уйғонади, Ватан тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ишончли қўлларда эканига амин бўлади киши.

Ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимиз Қуролли Кўчлари салоҳиятини, қудрати ва нуфузини янада оширди. Ешларимиз қалбидан ҳарбийликка мўҳаббат уйғонди. Шўро даврида турли бахоналар билан армиядан қолишга, хизмат жойини ташлаб кетишга ҳаракат қилган ёшлар бугун саф-саф бўлиб ҳарбийга отланмоқда.

Ҳа, ўн икки йил тарих олдидан бир лаҳза. Аслида ўтган ҳар бир йил бир асрга тенг. Тўғрироқ, биз уни асрга тенглаштирдик. Асрлар давомида эришилаётган ютуқларга ойлар, йилларда эришдик. Ҳар бир кунимизни тарих зарваракларига зарҳал ҳарфлар билан муҳрлашга муваффақ бўлдик. Зеро, мана шундай шоду хуррамлик билан Мустақиллик кунини нишонлаётганимизнинг ўзиёқ танлаган йўлимиз тўғрилигидан, Ватанимиз келажиги буюклигидан далолатдир. Бизни қўллаб-қувватлаб турган дўстларимиз биз билан бирга, мана, ёнимизда қувончимизга шерик бўлиб ўтирибди. Ютуқларимизни кўролмайдиган, иғво ва бўҳтон тарқатишдан бошқасига ярамайдиغان ганимларимиз эса тараққиётимизга тўғаноқ бўлолмайдилар. Халқимиз энди кимнинг аслида ким эканини яхши билади.

Байрогимиздаги ўн икки юлдуз - ўн икки вилоят улкан сахнада балқийди. Бағри кен дегир наволари янграйди - ҳар бирининг ўз сози, ўз овози бор. Уларнинг чиқишларини томоша қила туриб, яна хаёл яқин ўтган кунларга кетади.

Мустақиллик йилларида шаҳар ва қишлоқларимизни қиёфаси тўбдан ўзгарди. Истиклолнинг дастлабки йилларида пойтахтда бошланган улкан бунёдкорлик ишлари аста-секин вилоятларга кўчди. Бугун бутун мамлакатимиз бўйлаб қурилиш ишлари давом этмоқда. Янги-янги коллежлар, академик лицейлар, мактаблар, шифоналар, йўллар, кўприқлар бунёд этилди ва этилмоқда.

Президентимиз мустақиллигимизнинг ўн иккинчи йилини Обод маҳалла йили деб элон қилди. Маҳалла тинч - юрт тинч, маҳалла обод - юрт обод, дейди халқимиз. Олиб борилаётган сийёсатимизнинг ютуғи шундаки, миллий ва замонавий аъёнлар уйғунлашиб, фақат ўзимизга хос бўлган бир тизим яратилди. Халқимиз қадамдан қадамда маҳаллаларда яшаган. Маҳалла, миллий аъёнлар сақланган ҳолда, замонавий бошқарув тизимига айланди. Маҳалла биш - ҳаммамиз. Маҳаллани ободлаштиришни кўнгилимизни обод қилишдан бошладик. Қалбимизда ўз меҳнатимиз билан гуллаб-яшнаётган жойга - юртимизнинг бир бўлагига, Ватанимизга мўҳаббат қарор топди.

Бош майдонимиздаги байрам дастури шунчаки томоша эмас. Бу улкан сахнада ўзбекининг ўтмиши, бугуни, келажиги, асрий орзулари тараннум этилмоқда. Ҳар бир кўй, ҳар бир кўшиқ ўн икки йилда эришилган ютуқлардан сўзламоқда.

Майдон узра юрт наволари янграйди. Эстрада санъати юлдузларининг жонғизи қўшиқларига аҳли майдон жўр бўлади.

Истиклол - Истиклол, дея қуйлайди осмон, юлдузлар, азим чинорлар, бутун шахар, бутун юрт!

Мусика садолари кўзларни қамаштиргучи мушаклар жилосида янада жозибалироқ, янада шуккулроқ ашитилди. Мамлакатимизнинг бош майдонидан ана шундай авж пардаларда кечган байрам тантаналари Ватанимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб ёйилади. Истиклолнинг муборак, муқаддас юртим!

**Воҳид ЛУҚМОН,  
ЎЗА шарҳловчиси  
А. Тўраев ва Д. Юсупов (ЎЗА)  
олган суратлар.**

# Қонун устуворлиги йўлида

**Меҳнат аҳлининг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролар жамиятини барпо этишда қонун устуворлиги, кишилар ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши муҳим аҳамиятга эгадир.**

Бироқ, меҳнат тўғрисидаги янги Қонун етти йилдан буён амал қилаётган бўлсада, кундалик ҳаётда баъзан иш берувчилар томонидан ишчи-хизматчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол қилинишига йўл қўйилмоқда. Жумладан, меҳнат шартномаларини тугатишда ўрин-лавозимлар қисқартirilганда «Тонг» акциядорлик жамияти ишчиси Р.Шубека, «Тошкент иссиклик электр маркази» акциядорлик жамияти ишчиси М.Каримуллиннинг ҳақ-ҳуқуқи поймол этилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 237-моддасининг талаблари бўйича корхонанинг тўлиқ тугатилишидан ташқари ҳолларда иш берувчининг ташаббуси билан ҳомилар оёқлар ва фарзандлари уч ёшгача бўлган аёллар билан меҳнат шартномасини тугатишга йўл қўйилмайди. Афсуски, «Тошкент иссиклик энергияси» акциядорлик жамияти ишчиси Н.Абдувалиева, Мирзо Улугбек тумани коммунал таъмирлаш аварияни тиклаш хизмати ходими М.Шулескина қонунга зид тарзда ишдан бўшатирилган. Шунингдек, Чилонзор тумани ички ишлар бошқармасининг паспорт бўлими ходими М.Одилова декрет таштиси вақтида ишдан ноқонуний тарзда бўшатирилган. Чилонзор тумани ички ишлар бошқармасига тармоқ касаба уюшма шахар кўмитаси мурожаат қилганидан кейин М.О-

дилова аввалги иш жойига тикланиб, меҳнат шартномасини қайтариб олишга бекор қилинганлиги оқибатида юзага келган мажбурий проғул вақти учун ҳақ тўланди. Меҳнат Кодексининг 87-моддасида кўрсатилганидек ишдан бўшатиш «Газавтоматика» акциядорлик жамиятининг ишчиси Р.Ғабдуллинга нисбатан ёзма оғохлантиришис ноқонуний равишда амалга оширилган.

Тармоқ касаба уюшмалари шахар кўмиталарига ишчи-хизматчилар мурожаат қилганларидан кейин меҳнат шартномаларини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқлар ноқонуний деб ҳисобланди ҳамда касаба уюшмаларининг тавсиясига биноан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари тикланди.

Ишчиларга иш ҳақи, пенсия бериш, фарзандлари икки ёшгача бўлган ота-оналарга нафақа пули, касаллик варақалари, хизмат сафарлари учун ҳақ тўлашда ҳам меҳнат қонунчилигининг бузилишига йўл қўйилмоқда.

Кези келганда айтиш керакки, Меҳнат шартномасини бекор қилувчи 99-модда талаблари ҳамда меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилувчи 100-модданинг талаблари ва интизомий жазоларнинг қўлланиш тартибини ифодаловчи 182-модданинг талаблари қўпол тарзда бузилмоқда. Бу эса ҳуқуқий би-

лимнинг етишмаслиги, масалалар жиддий аҳамият берилмаслигининг оқибатидир.

Ишчи-хизматчиларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини поймол қилувчи салбий ҳолатларни бартараф этиш ва меҳнат тўғрисидаги қонунчилигини тўғри-тўқис бажариш бўйича ижобий натижаларга эришиш мақсадида тармоқ касаба уюшмалари шахар кўмиталари касаба уюшма фаоллари, кадрлар билан ишлаш хизмати ходимларини ўқитиш тизимини тақомиллаштиришлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори билан тасдиқланган жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий Дастури талаб этганидек мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш зарур.

Фуқароларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш ва ўқитишнинг жонлантиришининг асосий омиллари ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, давлат органларининг юридик хизмати, давлат маҳаллий ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари, жумладан, касаба уюшмаларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари натижасида амалга оширилади.

**Людмила ҲАСАНОВА,**  
Тошкент касаба уюшмалари Кенгаши юридик бўлимининг мудири.

**Ишчи-хизматчиларнинг меҳнат самардорлигини ошириш бевосита уларга кўнгилдагидек хавфсиз меҳнат шартини яратиш ва уни таъминлаш билан узвий боғлиқдир. Мана шу муҳим вазифаларни тўлиқ бажариш учун жойларда иш берувчи билан бошлангич касаба уюшма кўмиталари ўртасида жамоат шартномалари тузилган. Уларнинг бандалида меҳнат муҳофазаси масалаларига ҳам асосий эътибор қаратилиб, етарли даражада маблағ ажратилган. Ижроси эса корхоналар маъмурияти ҳамда бошлангич касаба уюшма кўмиталарининг доимий нозоратида. Жумладан, 2003 йилнинг биринчи ярмида «Тошшаҳарйўловчиторанс» давлат уюшмаси корхоналарининг қабул қилинган жамоат шартномаларида меҳнат муҳофазаси бўйича битимларида белгиланган 300 тадан ортик бандлари бажарилди, уларнинг бажарилишига 67,0 миллион сўмдан зиёд маблағлар сарфланди.**

Асосий кўпчилик автокорхона ва ташкилотларда маъмурият ва касаба уюшма кўмиталарининг саъй-ҳаракатлари билан меҳнат муҳофазаси вакиллари ва жамоатчилик комиссиялари фаолиятлари анча жонланди.

Мухими, 50 нафардан ортик ишчи-ҳодимлар сони мавжуд бўлган ҳамма корхоналарда Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида» Қонунига мувофиқ алоҳида шатлар жорий этилди. «Тошшаҳарйўловчиторанс» Давлат уюшмаси тасарруфидаги ҳар бир корхонада ушбу муҳим вазифа билан мунтазам шуғулланувчи мутахассис фаолият кўрсатмоқда.

«Тошшаҳарйўловчиторанс» Давлат уюшмаси

бошқаруви, Тошкент шахар тармоқ касаба уюшма кўмитаси раёсатлари охириги йилларда ишчиларга хавфсиз меҳнат шартини яратиш, иш ва талабларга мувофиқ тиббий-маиший шартини яратиш, ишлаб чиқаришда жараҳатлангани, касб касалликларининг олдини олиш каби масалаларга катта эътибор бермоқдалар. Амалга оширилган тадбирлар ўз самарасини берди. 2003 йилнинг биринчи ярмида бу тад-

лар асосида арзон нарҳда белгиланган сифатли сут маҳсулотлари билан марказлашган тартибда таъминланмоқдалар.

Жорий йилнинг бошида келишиб «Тошшаҳарйўловчиторанс» Давлат уюшмасининг ҳар бир автокорхона ва ташкилотларида замон талаблари мос келган, ҳамма кўрғазмали куруллар билан тўлиқ жиҳозланган меҳнат муҳофазаси бўйича ўқув хоналари ва бурчакларнинг таш-

кази, «8-автобус саройи» ОАЖ, 3-ТТД, «РАФ» ОАЖ, «Ипақ йўли автотранс» ОАЖ ва бошқа корхоналар фаол иштирок этишяпти. 2002 йилнинг якунларида кўра, Республикада тармоқ кўрик-танлови бўйича «Мерседес-Бенц» техник маркази совринли ўринга эга бўлди.

Корхоналарнинг меҳнат муҳофазаси бўйича меъёрий ва иш юритиш ҳужжатлари билан марказлашган равишда таъминлаш доимо

ги юқори ташкилотлар ҳамда назорат этувчи идораларнинг кўрсатмаларини бажармаётганликлари кўрсатди. Жумладан, «Респотранс» ОАЖ, «Шэйтили» ОАЖда ҳафли меҳнат шартинларда ишлайдиган ишчилар ўқитилмаган, иш жойларининг аттестацияси тўлиқ ўтказилмаган, 3 босқичли назорат мунтазам оlib борилмайди, ишчиларнинг махсус кийим ва сут маҳсулотлари билан меъёрий бўйича таъминланишида нуқсонлар мавжуд. Кайд этилган ва бошқа айрим корхоналар раҳбарлари бу масалани иккинчи даражали ҳисоблаб, меҳнат муҳофазасига етарли эътибор бермаётганлиги ва бу ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларнинг содир бўлишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Касаба уюшма органларининг меҳнатни муҳофазаси қилиш соҳасида фаолияти тўғрисидаги намунавий низоми» ҳақидаги қарори, касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари зиммасига ҳодимларнинг меҳнатни муҳофазаси қилинишига бўлган ҳуқуқларини малакали ҳимоя қилинишини ташкил этиш бўйича вазифалар қўйилди. Касаба уюшмалар фаолиятини янада тақомиллаштириш ва ҳар бир бўлаётган бахтсиз ҳодисаларда корхона раҳбарлари билан баробар жавоб беришлари кераклиги мақсадга мувофиқдир, чунки меҳнатни муҳофазаси қилиш — инсон соғлигининг кафолатидир.

**Абдулмалик АКБАТОВ,**  
Тошкент шахар автомобиль транспорти ва йўл ҳўжалиги ходимлари касаба уюшма кўмитасининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси.

# Меҳнат муҳофазаси — инсон соғлиғи кафолати

бирларга 67,0 миллион сўм сарфланди. Утган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқаришдаги жараҳатланганини даражаси анча пасайди. Ҳар ой камида бир марта «Тошшаҳарйўловчиторанс» Давлат уюшмасида корхоналарнинг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар учун семинарлар ташкил этилмоқда. 2003 йилда уларга тармоқ шахар касаба уюшма кўмитасидан ва бошқа ташкилотлардан мутахассислар икки марта жалб этилди. Бир марта «Мерседес-Бенц» техник маркази ва «8-автобус саройи» ОАЖ қошида кўрғазмали семинар-кўрсаткич ўтказилди.

Катта муаммо бўлган зарарли иш шартинлариди ишловчилар учун сут билан таъминлаш масаласи ҳал этилди. «12-автобус саройи» ОАЖ қошида ташкил этилган ёрдамчи хўжалик билан қилишди. 2002 йилдан бошлаб деярли ҳамма автокорхона ва ташкилотлар шартнома-

қил этилиши 2003 йилнинг 1 июнигача белгиланди ва жадал тасдиқланди. Ҳозирги кунда «8-автобус саройи» ОАЖ, «12-автобус саройи» ОАЖ, «Мерседес-Бенц» сервис маркази, 3-трамвай-троллейбус депоси, 2-автомобин ва бошқа корхоналарда бу борада ишлар олиб борилди.

Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг қарори билан тасдиқланган «Меҳнат муҳофазаси бўйича жамоат назоратини энг яхши ташкил этиш учун республика кўрик-танлови тўғрисида»ги Низомга мувофиқ «Тошшаҳарйўловчиторанс» Давлат уюшмаси, тармоқ касаба уюшма Маркази кўмитаси ва Тошкент шахар тармоқ касаба уюшма кўмитаси томонидан ташкил этилган кўрик-танловда корхона ва ташкилотлар фаол иштирок этишмоқда. Улардан, айниқса, «Мерседес-Бенц» техник мар-

амалга оширилмоқда. Ҳамма корхона ва ташкилотлар марказлашган тарзда буюртмаларга жумладан, «Автомобиль транспортида меҳнат муҳофазаси қондалари», «Ўзбекистон Республикаси меҳнат муҳофазаси ва пенсия таъминоти бўйича ҳужжатлар тўплами», иш жойида, ишга кириш бўйича йўриқномалар, уч поғона-ли назорат журналлари ва бошқа ҳужжатлар билан тўлиқ таъминланди.

Шунингдек, корхоналарда иш жойларини аттестациядан ўтказиш масаласи ечимининг ҳам марказлашган шаклда ҳал этилиши кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга айрим тармоқ корхоналарида меҳнат муҳофазаси ҳолатининг таҳлили, ушбу корхоналар раҳбарлари ва касаба уюшма кўмиталари зиммаларига юкланган меҳнатни муҳофазаси ва техника хавфсизлигига оид вазифаларни тўла адо этилганликлари ва бу борада-

**Мустақиллик шарофати билан юртимизда оламшумул ўзгаришлар, улкан қурилишлар бошланиб, шаҳри асим Тошкент олтин узук кўзидаги жаҳоирдек беқибс гўзаллашиб жаҳон аҳлини ҳайратга соладиган, фэйз-тароватли, дунё микёсида ҳар қанча фахр этса арзиғулик шаҳарга айланиб бормоқда.**



# Тегишли шариотлар яратилмоқда

Бундай фидокорона меҳнатнинг маҳсулида «Норузда» очик акциядорлик жамиятининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Истиқлолга эришганимизга ҳам 12 йил тўлди. Мамлакатимизда замонавий технология билан жиҳозланган кўплаб саннат корхоналари қурилди ва барпо этилмоқда. Мулкчиликнинг ҳусусий шакли юзга келди. Жумладан, бир неча йил аввал бизнинг корхонамиз ҳам акциядорлик жамиятига айлантирилди. Мухими, одамларнинг ишга нисбатан муносабати ижобий тарафга ўзгарди. Ҳозир астойдил ишлаган одамга салмоқли иш ҳақи тўлаш имкони бор.

Корхонамизда ўтган йилларда бирмунча ишлар амалга оширилди. Чиноз туманидаги тўхтаб ётган цехимизни ишга туширдик. Корхонанинг молиявий аҳолини анча яхшилаб олишга эришиш ва ишчи-хизматчиларимизнинг маошлари 1998 йилга нисбатан олти баробар ошиб, ҳозирда ўртача иш ҳақи 68400 сўмни ташкил этади.

**Улугбек ПУЛАТОВ**

зига шифокорлар ходимларимизнинг даволаштирилган, тегишли масъулдорлик жамиятининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Истиқлолга эришганимизга ҳам 12 йил тўлди. Мамлакатимизда замонавий технология билан жиҳозланган кўплаб саннат корхоналари қурилди ва барпо этилмоқда. Мулкчиликнинг ҳусусий шакли юзга келди. Жумладан, бир неча йил аввал бизнинг корхонамиз ҳам акциядорлик жамиятига айлантирилди. Мухими, одамларнинг ишга нисбатан муносабати ижобий тарафга ўзгарди. Ҳозир астойдил ишлаган одамга салмоқли иш ҳақи тўлаш имкони бор.

Корхонамизда ўтган йилларда бирмунча ишлар амалга оширилди. Чиноз туманидаги тўхтаб ётган цехимизни ишга туширдик. Корхонанинг молиявий аҳолини анча яхшилаб олишга эришиш ва ишчи-хизматчиларимизнинг маошлари 1998 йилга нисбатан олти баробар ошиб, ҳозирда ўртача иш ҳақи 68400 сўмни ташкил этади.

Кексаларни эъзозлаш — хайрликдир. Кам таъминланган пенсия онерларга моддий ёрдам берилмоқда, кекса ёшдагиларнинг пенсиясига ҳар ойда қўшимча ҳақ тўланмоқда, ёлғиз, муҳтож пенсия онерларнинг хонадонлари таъмирланмоқда, доволаниш учун қимматбаҳо дори-дармонлар сотиб олишда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Уларни ва меҳнат фахрийлари, Чернобиль фалокати оқибатини тугатишда қатнашиб ногирон бўлган кишиларни умумхалқ байрамлари дамури шифохонасига ҳар йили маблағ ўтказаялмиз, бунинг эва-

қунглини кўтариш инсоний фазили сифатида яхши анъанага айланган. Бундай учрашувлар меҳнат жамоасини ахил-иноқ бўлиб, баракали ишлашида муҳим тарбиявий аҳамият касб этади.

Бошқаруш — эртанги кунимизнинг ворисларидир. Корхона аҳлининг фарзандларига ёзи мавсумда марокли дам олишлари учун болалар соғломлаштириш оромгоҳларига ҳар йили бепул йўланмалар берилмоқда. Кўп болалар курувчилар касб байрамидида 395 нафар ходим 15 минг сўмдан мукофотланди.

Бундан ташқари ишчиларнинг меҳнат таштилига қўшимча қўлар қўйилди, сут сотиб олишлари, махсус кийим-кечак, пойабзал билан таъминланишлари учун фарзандларига ҳар йили бепул ўқув қуролларини сотиб олишлари учун моддий ёрдам пулини олмоқдалар.

Биз болалар боччалари, мактабларга доимий равишда қўмак бераймиз, уларнинг таъмирланишига, кўркамлаштиришга ҳиссамизни қўшялмиз. Жумладан, корхонамиз 580-сонли болалар боччасига оталиқ ёрдамни кўрсатиб келмоқда.

Шунингдек, киши мавсумга кишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш учун барча ходимлар, пенсия онерларга моддий ёрдам пули берилмоқда.

**Рауфхон ШАРИПОВ,**  
«Норузда» очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси.

## ИЖТИМОЙ ХИММОЯ

Тошкент шахар касаба уюшмалари Кенгашининг саҳифаси

**Бўстонлик туманининг сўлим, хушманзара гўшаларидан Жомбой кишлоғи ҳудудига «Уздавсувлойиҳа» институтининг «Ширин булоқ» болалар соғломлаштириш оромгоҳи жойлашган. Теварак-атрофи пуриқкор, серсават тоғлар, кўм-кўк бог-бўстонлар ястаниб ётган, пастликда марвариддек товланиб, жилдираб оқабган Қизилсув сойи таंगा роҳат бағишлайди. Бу гўзал, бетакдор масканда меҳнаткашларнинг фарзандлари мистриқиб хордик чиқарадилар. «Оромгоҳда учинчи навбатда 140 нафар, ёзги мавсум бўйича эса 290 нафар болалар марокли дам олдилар», — дейди оромгоҳ бошлиғи Бахтиёр Мамбетов.**

Оромгоҳдаги тўртта отрядда болалар билан тарбиявий ишлар олиб борилади. Болалар 8 та тўғарақдаги машгулотларга қатнашиб келмоқдалар. Жумладан, юмшоқ ўйинчоқлар, сомондан буюм ясаш, тикиш-бичиш, моҳир кўллар, расм чизиш, баскетбол, миллий ва замонавий рақс тўғараги иштирокчиларининг ижодий фаолияти ҳеч қимни бефарқ қолдирмайди. Болалар ясаган буюмларни кўрган киши улар ҳаёлот дунёсининг нақадар кенглигини кўриб ҳайратга тушади. Қизичи шундаки, бундай ижод намуналари киши ҳаёлига келмаган жуда оддий нарсалардан ясалган.

Болалар билан суҳбатлашмиш янада завқлидир. «Мен Замира Фозиеванам, — дейди ёқимтойлик билан қизалоқ, — 150-мактабнинг 5-синф ўқувчисиман. Оромгоҳ менга ёқди. Овқатлари тўйимли, мазали. Мен тикиши

тўғарақда пингвин ўйинчоғини тикиялман. Кўллаб дўстлар орттирдим. Айниқса, Юлдуз, Феруза, Лилия билан ахил-иноқмиз. Оромгоҳда турли танловлар ўтқа-

ри Мая Примак. — Иш қизикарли ва албатта болалар учун ўзига яраша машаққати бор. Лекин улар ўз ишларини севадилар. Ҳар навбат охирида кўрғазмалар

зилади. Мен келажакда ҳуқуқшунос бўламан», «Оромгоҳ менга ёқди», — дейди 102-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Юлдуз Рихсичи. Ўжаева. Тикиш тўғарақига қатнашаман. Кутубхонада эртак қолдиб бор. Беш кун ичида иккита китоб ўқидим. Эъзоа, Нарғиза, Мухлиса, Зулҳумор каби яқин дўстларим бор».

— Тикиш тўғарақда учинчи навбатда 15 нафар қиз шуғулланмоқда, — дейди тўғарақ раҳба-

зилади. Мен келажакда ҳуқуқшунос бўламан», «Оромгоҳ менга ёқди», — дейди 102-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Юлдуз Рихсичи. Ўжаева. Тикиш тўғарақига қатнашаман. Кутубхонада эртак қолдиб бор. Беш кун ичида иккита китоб ўқидим. Эъзоа, Нарғиза, Мухлиса, Зулҳумор каби яқин дўстларим бор».

— Оромгоҳнинг бор тарбиячисиман, — дея ўзини таништирди Шайхонтоҳур туманидаги 10-мактабнинг ўқитувчиси Лилия Жижимова. — Оромгоҳдаги болаларнинг 80 нафари тўғарақларда шуғулланмоқда. Шунингдек, бошқа оромгоҳлар билан ҳам спорт мусобақалари ўтказиб берилмоқда. Яқинда «Меҳрибон» оромгоҳи билан футбол мусобақаси ташкил этилиб, 6-0 ҳисобида футбол жамоамиз ғалаба қозонди. Ҳар бир тўғарақ тасдиқланган иш режаси бўйича фаолият олиб боради.

— Мультфильм қаҳрамони она-бола дельфин суратини

# Болалар спорти ривожланмоқда

**Болалар спортини ривожлантириш давримизнинг ғоят долзарб масалаларидан ҳисобланиб келажакимиз ворисларини жисмонан соғлом, руҳан тезтик, ақли ўткир инсонлар бўлиб камол топишига хизмат қилади. Меҳнаткашларнинг фарзандларини спортга жалб этиш, болалар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш хайрли, фойдали ишдир. Бу борада амалга оширилётган тадбирлар хусусида Тошкент шахар касаба уюшмалари Кенгаши раисининг ўринбосари Фозил Рўзиевков жамоатчи мухбиримизга қўйидагиларни сўзлаб берди.**

Спортни болалар ўртасида раванқ топтириш, уни янада оммалаштириш давр талабидан вужудга келган жуда муҳим вазифадир. Бу хайрли ишни қўллаб-қувватлаш эртанги кунимизнинг эгаси — болалар соғлиғини мустаҳкамлаш, жамиятимиз маънавий оламни бойитишга ҳисса қўшиш демакдир. Чунки, спорт-мусобақа, вақтни қизикарли, мазмунли ўтказиш, тарбиявий восита сифатида аҳамиятлидир. Спорт билан шуғулланган бола ёмон таъсирлардан ҳоли бўлиб, яхши орзуларга, эзгу ниятларга интилиб яшаб камол топади. Шу кутлуг мақсад йўлида касаба уюшмаларида қатор ибратли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида айниқса, ёзги дам олиш мавсумида ўтказилаётган турли-туман спорт тадбирлари тарбиявий фаолиятнинг ажралмас таркибий муҳим қисмини ташкил этиб, спорт болаларнинг энг яқин дўстига айланган. Оромгоҳлардаги отрядларро, оромгоҳларро, оромгоҳлар жойлашган худудларро спартакиадалар ўтказиш яхши одат тусига кирган.

Оқитириш, узунликка сакраш ва арқонда тортилиш беллашувлари бўлиб ўтди. Худудлардаги оромгоҳларро спартакиадаларда 21 та болалар соғломлаштириш оромгоҳидан 13 ёшгача бўлган 756 нафар ўғил-қизлар фаол иштирок этидилар ва «Семурғ», «Алгоритм», «Конструктор», «Чотқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тарма жамоалари голлибикни кўлга киритдилар.

Айниқса, «Семурғ» ва «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳида спартакиадага пухта хозирлик қўрилиб, оромгоҳдаги ёш санъаткорлар, болалар севган танкили жамоалар ҳамда қўшиқчилар иштирокдаги қизикарли маданий дастур уйғунлигида мусобақаларнинг аҳойиб спорт байрамига айланганлиги барчада яхши таассурот қолдирди.

Спартакиаданинг қизгин беллашувларга бойлиги билан бирга болалар ўртасида дўстона муносабатнинг яқинлиги, ҳар бир иштирокчининг мамнунлиги эътиборга лойиқдир. Зеро, спорт юқори натижага эришиш билан биргаликда кишиларни бирлаштириш, дўстлаштириш, соғлиқни мустаҳкамлаш омилдир, десак асло янглишмаймиз. Спартакиадада ана шу жиҳатда янада кўпроқ аҳамият берилиб, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари жойлашган худудлардаги маҳаллалар болалари ҳам оромгоҳ ичидидаги мусобақаларга таклиф этилиб, қатнашганлиги қувонардир.



Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб домо бўлур...

● Онанг ва отанг билан ростгўй бўл. Улар маъқулламасдан қилиш мумкин бўлмаган иш учун улардан руҳсат ва ижозат сўра. Итоаткор фарзанд бўлиш қиз ва ўғилнинг ҳақиқий эркинлигидир.

● Жаҳоннинг бутун гурури оналардан.

● Куёшсиз гуллар очилмайди.

● Севгисиз бахт йўқ.

● Аёلسиз муҳаббат йўқ.

● Онасиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди.

● Бир донишманд ўз ўғлига шундай насиҳат қилади.

— Ўғлим, агар муродинг гулларининг очилишини истасанг, шу беш нарсага эътибор қил:

— Қахру қазаб оловини юмшоқлик суви билан ўчир;

— Ахлоқсиз, тарбиясиз бузуқ кишилар васвасасидан ҳазар қил; ишларингнинг биносини тўғрилик узра қур, хиёнат йўлига қадам қўйма;

● Юз берган кўеа-ҳодисаларни чидам билан бошқаларга ўтказ, сабру тоқатни кўлдан берма;

● Хирс, таъма, игво, бирровларга озор беришдан сақлан.

Байт:  
Истайсанким,  
етмагай сенга бало,  
Бермагил, ҳеч кимга  
озору жафо.

Дўстлик ҳақида

● Яхши дўст — туганмас ҳазина.

● Дўстлик — ҳаётдаги энг зарур нарса, чунки умри қаранд роҳат-фароғатда ўтса ҳам ҳеч кимса ҳаётини дўстсиз ўтказишни истамайди.

● Уй бегази — ташрифга келган дўстлар.

● Дўстлик — ҳаётдаги тенгсиз қувончларнинг бири-дир; дўстликнинг тенгсиз қувончларидан бири эса ишониб сирингни айтишинг мумкин бўлган одамнинг борлигидир.

● Битта ҳам ҳақиқий дўсти бўлмаган одамга яшашнинг ҳожати йўқ.

● Қобусномада шундай дейилади:

— Эй фарзанд билгинки, то киши тирикдир, дўстсиз бўлмагай, кишининг дўстсиз бўлганидан биродарсиз бўлгани яхшидир. Бир донишманддан сўрадиларки, «Дўст яхшими, биродар?». Донишманд деди: «Дўст яхши». Ҳамма вақт дўст тутмоқни одат қил. Чунки ҳар кишининг дўсти кўп бўлса айблари ҳам ошкор бўлмайди, фазилати кўпаяди. Лекин янги дўстини топганда эски дўстдан кечмагил, улардан юз угирмагил, токи ҳаммиша дўстинг кўп бўлсин. Масалан, шундай деганларки, яхши дўст кишига улў давлатдир.

Акқис одамлар билан ҳаргиз дўст бўлмагил, акқис дўст акқил душмандан ёмонроқдир. Олижаноб, мурувватли, илмли вафоли кишиларни дўст тутгилки, сен ўзининг муравватинг, шафқатинг, илминг билан машхур бўлгайсан. Дўстларнинг ҳаққини асло бекорга кеткизмагил, токи сени маломат қилмасинлар.

Байт:  
Яқин дўстинг сенга  
ёмон истаса,  
Ундан юз ўғир ё  
бардошша сўзла.  
У билан олишма,  
сўйма, тортишма,  
Шунда ҳам ярашиш  
йўлини кўзла.

• ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

Янги ўқув йили муборак!

Эртага биринчи синф остонасига қадам қўяётган жажжи ўғил қизлару, оруз мақсадларига эришиб, талаба деган номга сазовор бўлган ёшларнинг қалблари қувонч ва ҳаяжонга тўлади. Чунки улар орзикиб кутган шодиёна кун— янги ўқув йили бошланади. Мамлакатимиз бўйлаб ва пойтахтимиздаги барча олий ўқув юртлири, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар, шунингдек мактабларда яна кўнғирок садолари янграб, ўғил-қизларимизни ўз бағрига чорлайди.

Янги ўқув йили албатта Энг азиз ва энг улўғ муборак айёмимиз Истиклолимизнинг 12 йиллик тантаналари нишонланаётган кутлуғ кунларда бошланаётганлиги билан ҳам янада қувончли бўлмоқда. Айниқса талабалikka қабул қилинган ёшларнинг қувончи чексиз, Улар ўзлари оруз қилган ўқув юртлири томон қалбла-

лаш Миллий дастурига асосан бир қанча самарали натижаларга эришилди,— дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари Абдуманноп Собиров.— Жумладан, шаҳримизнинг барча туманларида анъанавий август Кенгашлари муваффақиятли ўтказилди. Унда ўтган ўқув йилидаги амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, янги ўқув йили вазиқларига белгилан олди. Барча туманларда ўзига хос тарзда интер фаол семинар-тренинглр ўтказилмоқда. Тренинг ўтказиш учун тайёвланган тренерлар мактаблардаги муаммоларни ўрганиб чиқиб, хал қилиш учун таъсиялар беришади. Утган ўқув йили «Таълим муассасаларига узлуқсиз методик хизмат кўрсатиш

бўлиши керак. Аини кунларда шаҳар фан ўқитувчиларининг август Кенгашлари қизғин давом этмоқда.

Шаҳримизда ҳозирда 310 та мактаб ва мактаб-интернатлар, 516 та болалар боғчаси, 57 та мактабдан ташқари муассасалар мавजूд бўлиб, улар янги ўқув йилига жорий таъмирдан чиқарилди. Бу йил 111 та таълим муассасаларини капитал таъмирлаш учун 279 миллион сўм маблағ ажратилиб, 50 та мактабдан 43 таси, 51 та болалар боғчасидан 41 таси ва 10 та мактабдан ташқари муассаса ва интернатдан 7 таси капитал таъмирдан чиқарилди. Қолганларида таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. Бу янги ўқув йилида шаҳримиздаги мактабларга тахминан 38000 бола 1-синфга қабул қилинди. Уларга ҳар йилдагидек папка, ўқув-ёзув қуроллари топширилади. Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан кам таъмирланган оилалар фарзандларига 27041 донга иссиқ кийим-бош топшириш режалаштирилган. Ўқув дарслиқлари эса ижара тизимидаги мактаб ўқувчиларига тарқатилади. Кам таъмирланган оилалар фарзандлари учун мактаб




кутубхонаси захирасидаги китоблар берилди.

Эртага албатта мактаб ўқувчиларино талабалар кўтаринки кайфиятда, куч-қувват ва шижоат билан янги ўқув йилини бошлайдилар. Уларнинг шўх-шодон кулгулари кўнғирок садоларига ҳамоҳанг янграйди. Қўлларига анвойи гулдасталар тутган бахтиёр ўғил-қизлар қадрдон устозлари, жонаҳон мактаблари бағрига ошиқмоқдалар. Ёш авлодининг ҳар томонлама етуқ ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун мамлакатимизда ҳамма имкониятлар яратилмоқда.

Келажак мана шу ёшларимиз кўлида экан, албатта келгусида уларнинг юксак билим чўққиларини эгаллашига, мустақил Ўзбекистонимизга муносиб ўғил-қиз бўлиб вояга етишларига умид қиламиз

Дилором ИКРОМОВА



ри фахр ва ифтихорга тўлиб ошиқмоқдалар.

— Эртага барча мактабларда янги ўқув йили катта шодиёна билан бошланади, биринчи дарс Мустақиллигимизга бағишланади. Мамлакатимизда олиб борилаётган таълим тизимидаги ислохотлар, шунингдек «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёр-

лаш муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ўқув йили» деб номланди. Ва асосий эътибор методик ишларга ва ўқитувчи шахсига қаратилмоқда. Негаки баркамол авлод тарбияси учун методик жиҳатдан кучли қуролланган ўқитувчи

Тошкент шаҳар ҳокимияти

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

“Севимли шаҳрим” акцияси доирасида “Дилимдасан-пойтахтим” энг яхши эстрада кўшиқлари мавзусида кўрик-танловни эълон қилади

Маълумотлар ТТВ телеканали, “Пойтахт-информ” радиостанцияси, “Тошкент оқшоми”, “Вечерний Ташкент”, газеталарида.

Кўрик-танлов шартлари:

Ижрочиларнинг ёши чезараланмазан;

Танловда ҳаваскорлар ва профессионал ижрочилар қатнашиши мумкин;

Кўшиқ илк бора ижро этилиши керак;

Кўшиқ сифатли аудиоускуналарга (мини-диск, CD) ёзилиши керак.

Таклифлар 1 октябргача қабул қилинади.

Энг яхши кўшиқ эътиборини ҳажмагил ва радиомухлислар томонидан аниқланади.

www.tashkentkamolot.uz

Маълумот учун телефонлар: 133-21-05, 133-38-03

• АНЖУМАНЛАР

Муштарак қадамлар

Бугунги кунда мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, уларнинг муаммоларини баргараф этишга қаратилган муҳим ишлар амалга оширилмоқда.

Бу борада бир қанча Фармон ва қарорлар чиқди. 25 ёшгача бўлган иқтидорли ва истеъдодли қизларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилганига ҳам тўрт йил бўлди.

Кўни кеча Республика «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси ва Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги олдидан «Истиклол қизлари — юрт истикболи» мавзусида республика анжумани ўтказилди. Мазкур анжуманда тўрт йил давомида Зулфия мукофотини кўлга киритган қизлар иштирок этишди.

Анжумани Республика «Камолот» ЕИХ Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Гулмова Зулфия мукофоти соҳибаларини тўғладан асосий мақсад, ёш хотин-қизларни янада бирлаштириш, ҳамкорликда иш олиб боришларига шароит яратиб беришдан иборат эканлигини таъкидлади.

Тошкент шаҳридан 2003 йили Зулфия мукофотиغا сазовор бўлган Малиха Раҳмонбекова бу юксак номга катта ҳурмат билан ёндашиб, келажакда юртининг ишончли вакиллари, яратувчилари бўлавиш деган фахр-ифтихорга тўлиб тўлқинланиб сўзлади. Дарҳақиқат, республикада 91 та жамоат ташкилотининг фаолияти аёллар муаммолари ва масалаларини ечиш ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Зулфия мукофоти соҳибалари ҳам аёллар эзгу мақсадлари йўлида тинмай изланишларига ишонамиз.

Гулчехра ДУРДИЕВА

“Берлин” — ҳамкорлик мавзуси

Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонасида республикаимизда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш уйғун хорижий сармоя жалб қилишининг устувор йўналишларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман Германиянинг санот-агни тадқиқ этувчи “Отто фон Гюрликке” (AIF) ассоциацияси ҳамда Германиянинг иқтисод ва меҳнат федерал вазирлиги томонидан ташкил этилди.

Мазкур тадбир ишида иқтисод, кооперацион қулатиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларининг етакчи немис экспертлари ҳамда мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари, шунингдек ўзбек делегацияси аъзолари иштирок этдилар.

Ушбу анжуманинг диққатга сазовор томони шундаки, унда мамлакатларимиз ўртасидаги ташқи иқтисодий фаолиятнинг кўпгина соҳаларида ҳамкорлик йўналишлари бўйича, хусусан Ўзбекистонда Германия компаниялари, жамгармалар ва тадқиқот институтлари томонидан ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга оширишда яқиндан

кўмаклашиш масалалари муҳокама қилинди.

Йигилишда Германиянинг “Отто фон Гюрликке” (AIF) санот-ағ тадқиқоти бирлашмаси ассоциациясининг директори В.Хегартен Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиш ассоциациясининг асосий йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаб, республикада кичик ва хусусий бизнес соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштиришни босқичма-босқич такомиллаштиришда самарадорлик масаласига эътиборни қаратди.

Ўз навбатида Ўзбекистон делегацияси вакиллари мамлакатимизда хусусийлаштириш борасида олиб борилаётган жараёни, республикада кичик ва ўрта бизнесни умумжаҳон даражада қўллаб-қувватлашга ҳуқуқматомонидан олиб борилаётган сый-ҳарақатлар ҳақида гапирдилар.

— Мазкур семинар ГФРнинг ишбилармон доираларининг Ўзбекистонга бўлган қизиқишининг ўсишини кўрсатмоқда, — деди Гётц Фазольд, иқтисод ва меҳнат вазирлигининг бўлим бошлиғи. — Ҳозиргача Ўзбекистонда “AIF” билан ҳамкорликда ўрта лойиҳа амалга оширилди. Уларнинг орасидан энг муҳими гидрология ва тупроқшунослик соҳаси бўйича ҳамкорликда бажарилган “Герт Хаммер” лойиҳасидир. Ҳеч шубҳа йўқки, буларнинг барчаси Ўзбекистон билан Германия ҳамкорлигининг илк самарали натижаси бўлиб, ишонанки, мазкур ҳамкорлик ГФРнинг иқтисод ва меҳнат Федерал вазирлиғи учун ҳам самарали келажакка эгадир.

Аслам АКБАРОВ,  
“Жаҳон” АА,  
Берлин

Бу — кизик

## Жаҳон пазандалигининг академиги

Сирасини олганда бундай кутубхона биронта мамлакатда йўқ. Гап шахсий кутубхона устида борапти. Лекин Франциялик Шарль Шремлига қойил қолмай илож йўқ.

У қўлнинг ҳаммасини пазандаликка бағишлабгина қолмасдан, ўзи ҳам ошпазликка оид 12 та катта ҳажмдаги китоблар ёзган. Асли касби қандолатчи бўлган бу одам Цюрих шаҳридаги «Сум шмиден» қаҳвахонасида ишлайди. Шахсий кутубхонасида эса пазандаликка оид 3000 дан ортиқ китоб сақланади.

Шарль Шремли ўзи ижод этган таомларга шоирона номлар қўйишга ҳам уста. У яратган пишириқлар орасида «Нилуфар гултожи» номли печенеси жуда машҳур ҳисобланади. Тайёрлаш усули ниҳоятда содда, 250 грамм аска ёғини 350 грамм шакарга яхшилаб қориштирилади, сўнгра 250 грамм қовурилган ва янчилган болом мағзи солиниб кўп аралаштирилади. Сўнгра устига 500 грамм ун билан 2 дона тухум қўшилиб хамир қорилади. Бир чимдим сода ва туз солишни унутмаслигимиз керак. Тайёр бўлган хамирнинг супра тахта устига олиб диаметри 3-4 қалинликда чилвер чўзилди ва 2 соат давомида совутгининг музхонасида сақланади. Кейин музхонадан олиб паррак-паррак қилиб кесилади-да, қиздирилган духовкада 5-7 дақиқа пиширилади. Тайёр бўлган ҳар бир печенье юзини эритилган шоколад томчилари билан безатилади.

Биз учун кизиги шундаки, Шарль Шремли биттагина эмас, юзлаб таомларни ижод этган ва минглаб пазандалик китобларини тўплаган шахсдир. Жаҳонда барча халқлар олти мингта яқин тилда гаплашишни ҳисобга оладиган бўлсак, Ш.Шремлининг кутубхонасидаги китоблар 1753 тилда ёзилгани билан ҳайратланардики. Бу нодир асарларни у кўпгина мамлакатларга қилган саёҳатларида ва бошқа саёҳатчилар орқали олдириб тўплаган. У китобни бебаҳо бойлик деб ҳисоблаганидиган сотувчи айтган нарҳига савдолашиб ўтирмай олаверган. Яна, унинг бир хислати ажойибки, ана шу 3000 жилдун у китоб шафларига териб чанг бостириб қўймай, таржимонлар ёллаб, ҳар бирини ўрганиб чиққан. Шунинг учун ҳам Ш.Шремлин кичик бир қаҳвахонанинг оддий бир қандолатчисигина эмас, балки жаҳон пазандалигининг академиги деб ҳисоблаш мумкин.

## Ўзбек ва ҳинд шарқшунослари тингловчилар даврасида

Дехлидаги Мирза Ғолиб академиясида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган байрам кечаси бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонаси ва Урду академияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда Ҳиндистоннинг етакчи илмий муассасалари — Дехли университети, Жавахарлал Неру университети, Жомия миллий исломия университети вакиллари ва бошқа олий ўқув юрларининг таълим профессор-ўқитувчилари, жумладан, олим ва таржимон Камар Раис, профессор С.Қуйдавай, Буюк Британиялик шарқшунос Ашур Қазимий, шунингдек, ўзбекистонлик олимлар — Тошкент давлат шарқшунослик институти профессор О.Шаматов, филология фанлари номзоди, доцент Т.Холмирзаев ҳамда мамлакатимизнинг Дехлидаги

элчихонаси ходимлари иштирок этди.

Урду академияси котиби Шри Абиди кечани очар экан, ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги ўзаро дўстона муносабатлар, шу жумладан, илмий ва адабий алоқалар тарихи қадим ўтмишга бориб тақалишини қайд этди ва мамлакатимиз халқини яқинлашиб келаётган кутлуг тўй — Ўзбекистон Мустақиллигининг 12 йиллик байрами билан табриклиди.

— Ўзбекистон ўзининг 12 йиллик мустақил ривожланиш йиллари давомида улкан муваффақиятларга эришди, — деди профессор С. Қуйдавай. — Бугун у дунё ҳамжамиятида ўзига хос ўринга эга. Бу тасодифий ҳол

эмас. Чунки қадим-қадимдан ўзбеклар юрти табаррук замин ҳисобланиб келинади. У буюк шоҳ ва шоир Бобурнинг ҳам ватандир. Бобурнинг шу кунга қадар сон-саноксиз одамлар дилларига олам-олам завқ-шавқ бағишлаб келаётган нафис шеърини, чуқур илмий ва фалсафий ижод намуналари билан биз ҳам фахрланамиз.

Учрашувда сўзга чиққан олимларнинг маърузаларида асосий эътибор ўзбек ва ҳинд илмий-адабий ҳамкорлиги масалаларига қаратилди. О.Шаматов ўз маърузасида, мамлакатларимиз ўртасида асрлар давомида шаклланган илмий-адабий мерос бир-бирига ўз таъсирини ўтказиб келгани тўғрисида гапирди.

Шу ўринда Бобур ва Бобурийларнинг ҳинд халқи тарихи, маданияти ва санъатида ёрқин, ўчмас из қолдиргани эсланди.

— Бундай муносабатлар мамлакатимиз мустақилликини қўлга киритганидан сўнг янгича мазмун ва моҳият касб этди. Биргина А.Орипов, Э.Воҳидов ва яна бошқа қатор ўзбек шоирларининг шеърлари Ҳиндистонлик таниқли олим, шоир ва таржимон Камар Раис томонидан урду тилига ўгирилиши ва Дехлида алоҳида тўплам ҳолида нашр этилиши бизни беҳад қувонтиради, — деди нотик.

Учрашувда Ҳиндистонлик олимлар Шарқшунослик давлат институти олимлари нафақат Ўзбекистоннинг, балки минтақадаги бошқа мамлакатларнинг, хатто ҳинд илмий-адабий тарихчилигини ўрганиш ишига салмоқли хисса қўшганини алоҳида таъкидлашди.

Шухрат УМИРОВ,  
«Жаҳон» АА,  
Дехли.

### Фуқаро муҳофазаси

## Аҳоли осойишталиги йўлида

Шаҳар Фавкулдада вазиятлар бошқармаси «050 — Кутқарув хизмати»нинг тезкор ходимлари жорий йил давомида пойтахтимизда истиқомат қилаётган минглаб кишиларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида уларни турли кўринишдаги офатлардан муҳофаза қилиш тадбирларида иштирок этишди.

Шу йилнинг ўтган ойи мобайнида «050-Кутқарув хизмати»га шаҳар фуқаролари ҳамда корхона ва ташкилотлар кунига 300-320, яъни 73393 маротаба ёрдам ва маслаҳат сўраб мурожаат қилишган. Шулардан 2415 тасида инсон ҳаёти хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган йирик миқёсдаги фавкулдада вазиятлар рўй бериши эҳтимоли бўлганлиги сабабли бошқарма мутахассислари зудлик билан воқеа жойида бўлиб, зарурий ёрдам кўрсатдилар. Бундан ташқари, 288655 та мурожаат бўйича бошқарма томонидан фуқаро муҳофазаси хизматлари ва авария-тиклаш гуруҳлари фаолияти мувофиқлаштириб борилади. Яъни, ўтган 7 ой ичида «Сувсоз» унитар корхонаси совуқ сув билан таъминлаш тизимида 5221, канализация тизимида 6624, «Тошис-сиқуввати» корхонаси иситиш тизимида 300 ҳамда «Тошшаҳарнур» корхонаси бўйича пойтахт кўчаларини ёритиш тизимида 5522 та шикастланиш ва авария ҳолатлари кузатилган.

Кутқарувчилар томонидан эшиги кулфланиб қолган, ичида ёш болалар бўлган хонадонлар, ёқилган дазмол ёки ёниб турган газ плитаси устида доғланаётган ёғ қолғиб кетган 240 та хонадон эшиклари очиб берилди, 431 та гўдаклар хавфсизлиги таъминла-нишига эришилди.

Бошқарманинг «Сувда кутқариш хизма-

ти» иш фаолияти ҳам таҳсинга лойиқдир. Пойтахтимиз аҳолисидадан тушган мурожаатларга асосан фаввослар томонидан шаҳар худудидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёси, ариқ ва каналлар киргоқларидан сув тошишининг олдини олиш мақсадида 185 маротаба сув ходимлари билан боғлиқ бўлган вазият чуқур ўрганилиб, 86 нафар одам чўкаётган чоғида сувдан чиқариб олинди ва биринчи тиббий ёрдам кўрсатилиб, ҳаёти сақлаб қолинди. Фаввослар фақатгина сувда кутқариш ишлари билангина чекланиб қолмай, балки ҳар хил чиқиндилар тикилиб қолиши натижасида сув ўтказгич катта қувурларини вақти-вақти билан тозалаб, сувнинг меъёрида оқишини таъминлаб келмоқдалар.

Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тез тиббий ёрдам хизмати ҳамда ижтимоий-таъминот бошқармаси ходимлари билан биргаликда 52 нафар ўрнидан тура олмайдиган кекса ногиронларга зудлик билан биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатилиб, уларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Пойтахт худудида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари натижасида жароҳат олган 30 нафар фуқарога ИПХ ходимлари иштирокида кутқарув хизмати кўрсатилди.

ИИББ ёнгин хавфсизлиги бошқармаси-

нинг ўт ўчириш қисмлари билан биргаликда шаҳар худудида содир бўлган катта ён-гинларни бартафаз этишда кутқарувчиларимиз 28 марта қатнашиб, ёнаётган хонадон аъзоларини ва уларнинг мол-мулкни «тилсиз ёв»дан сақлашда бевосита кўмак бердилар.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, пойтахт аҳолисига кўрсатилаётган хизматлар билан таништириш ҳамда тарбият ва ташвиқот қилиш мақсадида 7 ой мобайнида 138 та маҳалла ва уй-жой мулкдорлари ширкатларига, 295 та ўрта махсус ўқув муассасаларига ҳамда олий ўқув юртига «050 — кутқарув хизмати»га мурожаат қилиш учун эслатмалар тарқатилди. Бундан ташқари, 512 та шаҳар йўловчи автобуслари ва метрополитен вагонларига эслатмалар жойлаштирилди.

Кутқарувчиларимиз томонидан ўз вақтида тезкор ва малакали ёрдам кўрсатилгани ҳақида «050-кутқарув хизмати»нинг махсус китобига 300 нафарга яқин ҳамшаҳарларимиз ўз дил сўзларини илҳор этганлар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фавкулдада вазиятлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлигига миннатдорчилик билдириб, бу хизмат турини янада ривожлантириш зарурлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини айтмоқдалар. Бу шубҳасиз, кутқарувчиларимизнинг азим пойтахт аҳолиси хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳамда турли офатлардан муҳофаза этиш борасидаги ишларидан кўнгиллари тўлганлигидан далолатдир.

Азамат СУЮНОВ

### • КЎРГАЗМАЛАР

## «Афросиёб ёғдуси»

Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий кўرғазмалар залида Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишланган «Афросиёб ёғдулари» кўрғазмаси давом этмоқда. Кўрғазмада самарқандлик тасвир усталари мусаввирлар Аслиддин Исоев, Нуриддин Калонов ва ҳайкалтарош Тўлаған Ерқуловларнинг беш юзга яқин рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошликка оид асарлари намойиш этилаётди.


Кўрғазмадаги асарларни кўрганимизда айниқса, Аслиддин Исаевнинг эскирмас мавзулар: урф-одатимиз, аёллар меҳнати, келинлар одоби, доғишмандлар панд-насиҳатлари, илм-маърифат, ўтмиш-хотираларни қадрлаш томонлари бизга ёқди. Унинг «Сумалак», «Наврўз», «Мўйсафид хабллари», «Келин», «Оналик», «Донишманд» каби асарлари ҳақида қанча фикр билдирилса камлик қилади. Уйлаган мақсад, асарининг гоёси хаёлотда, ранглар оқими ёритиб берилиши тушунарлидир.

Нуриддин Калонов ҳам графика, ҳам рангтасвирда уста мусаввирлигини билдиради. Қалам тасвир бир кўринишда осон туюлсада, аслида рангтасвирга нисбатан ўта мушкул. Кўп мусаввирларимиз қалам тасвирга

нўнокликларини рангтасвирларида, ранглар билан ўралашиб, билдириб қўйишмоқда. «Мақомчилар», «Бибиқоним», «Амир Темур», «Мирзо Улуғбек», «Гўри Амир», ёки рангтасвирларидан «Кизгалдоқ», «Бешик», «Бибиқоним мачити», «Юлдуз», «Қиз портрети» асарлари фикримиз далилидир. Қалам тасвирга усталлиги рангтасвирда ҳам сезилмоқда. Бу мусаввирнинг ютуғи, машқлар самараси албатта.

Ҳайкалтарошлик бу рангтасвир ёки қалам тасвир эмас. Лекин, ҳар бир ҳайкалтарош қаламтасвирга, рангтасвирга ҳам эътибор бериши шарт. Агар шундай қилмас экан, ундан истеъдодли ҳайкалтарош чиқмайди. Таниқли, эл-юртга танилган ҳайкалтарошларимиздан бири Дамир Рўзибоев яхшигина мусаввир ҳамдир. Мусаввирлик ишларини ҳам кўп марта намойиш этган. Ҳайкалтарош мусаввирликда гўзаллики сезади, ана шундагина ҳайкаллари жозибали чиқади.

Тўлаған Ерқуловнинг тошларда акс этган «Арғимчок», «Келин», «Азоб», «Сир», «Умар Хайём», «Ибн Сино», «Ўзбек кураши», «Автопортрет», «Келин», «Чақалоқ», «Оналик» ва бошқа асарларида аниқ чизгилар бор. Мавзум ўлчам, хусусият-харакатлари ҳаётий чиқ-



қан. Мавзу жиҳатидан уч ижодкорда ўзаро яқинлик бўлсада, бироқ бир-биридан кичиринмаган, ўз йўналишлари, ўз услублари, ўз мақсадлари бор. Шунга кўра, ижод махсуслари бир-бирини говий-мазмун тўлдириб боради. Айниқса, тарихга, табиат манзараларига, инсонлар ҳаёти ва кайфиятларига эътибор берилган.

Маҳмуд АХМЕДОВ,  
санъатшунос.

СУРАТДА: кўрғазмага қўйилган асарлардан лавҳа.

**Спорт**

**Ҳиндистонга сафар қилишади**

Иқтидорли мураббийлар Рауф Инилеев ҳамда Дилшод Нуралиев етакчилик қилаётган Ўзбекистон усмирлар терма жамоаси ўқув-йигин машғулотларини самарали ўтказиш, усмирларнинг жисмонан, руҳан тайёргарликларини яна бир бор синовдан ўтказиш мақсадида 10-18 сентябрь кунлари Ҳиндистонда ўтадиган «Тата» турнирида қатнашадиган бўлишиди. Шунингдек, нуфузли мусобақада Эрон, Бангладеш терма жамоалари ва мезбонларнинг иккита клуби голиблик учун кураш олиб боришади.

**Гете — Борисовга ёрдам беради**

Футбол бўйича жорий йил кузда ўтадиган жаҳон чемпионати финалида муваффақиятли қатнашиш учун ҳаракат қилаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси айна куларда тайёргарликни янада кучайтиришган. Испания, Аргентина сингари футболни ривожланган мамлакатлар ёшлари билан бир гуруҳдан жой олган ёшлар терма жамоаси мураббийлар гуруҳи яна кучайтирилди. Германиядан ташриф буюрган Юрген Гете бош мураббий Виктор Борисовга маблағатчилик қилади.

**Режалар белгиланди**

Куни кеча Ўзбекистон мини-футбол федерацияси мини-футбол бўлимининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мини-футбол мутахассислари, мураббийлар иштирок этишиб, Истиклол шарофати туфайли спортнинг ушбу тури жадал ривожланаётганини эътироф этишди. Эндиги мақсад ёшлар орасида мини-футболни янада оммавийлаштиришни таъминлаш мақсадида маҳаллаларда, ўқув юрглари ҳамда корхона-ташкilotларда мусобақалар ташкил этишдан иборат бўлмоғи керак. Дарвоқе, мини-футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақаларининг ўз вақтида ва тартибли ўтишига эришиш, Ўзбекистон Кубогининг саралаш баҳслари қизиқарли кечишини таъминлаш ҳам мини-футбол бўлимининг зиммасида эканлиги эслатиб ўтилди. Шунингдек, йиғилиш қатнашчилари мини-футбол ривожини бўйича келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифаларни ҳам келишиб олишди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоаси газеталарнинг сураткаш муҳбири Ҳақимжон Солиҳова онаси **Каромат ая ЮСУПОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изхор қилади.

Газетанинг навбатдаги сони 3 сентябрда чиқади.

Тошкент шаҳар ҳокимияти

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими

**«Севимли шахрим» акцияси доирасида «Тошкент-гуллар шахри» кўрик-танлови ўтказилади.**

Кўрик-танлов шартлари:

Кўрик-танловда Тошкентдаги корхоналар, ўқув муассасалари ва пойтахт фуқаролари иштирок этишилари мумкин.

Сизнинг фантазиянгиз ажойиб гулзорлар, боғлар, майсазорлар, турли манзарали гулдеворлар ва бошқа ўзига хос ландшафт ечимлари яратишга қодирми?

Кўрик-танлов иштирокчилари яратилган гулзорлар ва манзарали ўсимликларнинг фотосуратлари ва видеотасмаларни ташкилотчиларга 1 октябргача тақдим этишлари зарур.

Зоборилган фотосуратлар ва видеотасмалар нуфузли хайрат ағъолати ётоқхонадан ўрганиб чиқилади ва голиблик аниқланади.

Маълумотлар ТTV телеканали, «Пойтахт-информ» радиостанцияси, «Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент» газеталарида.

**Севимли ШАХРИМ**

www.tashkentkamolot.uz  
 Манази Тошкент шаҳри, 708043, Умаровнаҳр кўчаси, 14  
 Маълумот ўзун телефони: 133-21-05, 133-38-03



Жуда ҳам ширин экан!

**• БЕКА**

**МУРАББО ТАЙЁРЛАГАНДА**

- ◆ Мева, қанд, шакарни аниқ ўлчашдан ишни бошланг. Бунда тарозидан фойдалансангиз у тўғри, аниқ ишласин. Чунки мураббони хуштаъм бўлиши кўп жиҳатдан ўлчамига боғлиқ. Мабодо мураббо нордон бўлишини истасангиз, 1 килограмм мевага 750 грамм шакар кўшинг.
- ◆ Имкон қадар бир қайнатиш учун идишга 2 килограммдан ортиқ мева солманг.
- ◆ Қайнатишдан олдин тайёрланган меваларни шакарга аралаштириб, бир муддат устини ёпиб қўйинг. Шунда шакар меваларнинг «баданига сингади». Бунинг учун 2-3 соат кифоя.
- ◆ Мураббони шу ишга мўлжалланган махсус идишда ёки мис тоғорада, бўлмаса, қуйма чўян қозонда қайнатган маъқул.
- ◆ Оловни жуда баланд қилиб юборманг. Милтираб қайнайверсин. Сиз уни вақти-вақти билан кавлаштириб туринг. Кўпигини эса охирида — оловни ўчиришдан олдин олинг.
- ◆ Мураббо қачонки мева шаффоф, ёрқин ранга кирганда тайёр бўлган ҳисобланади. Худди шу пайтни кўлдан бериб қўйманг. Ликолчага мураббодан бир неча томчи солинг, у ёйилмасдан дарров қотса, идишни оловдан олсангиз бўлади.
- ◆ Идишни оловдан олишдан 2-3 дақиқа олдин лимон шарбати қўшишнинг мумкин. Бундай мураббо яхши сақланади, сўнгра нордонгина таъм ҳосил бўлади.
- ◆ Мураббо солинган шиша идишларни қайноқ сувда ҳафсала билан ювинг. Уларнинг оғзини ерга қўйиб сочик устига тўнқаринг. Офтобда яхшилаб қуритинг. Сўнгра мураббони қайноқлигида солиб дарров қопқоғини бураб олинг.
- ◆ Мураббо идишларини қоронғу, қуруқ жойда сақланг. Унга шамол тегиб турса яна ҳам яхши.
- ◆ Мураббони 2-3 ойдан кейин истеъмол қилсангиз айна етилган пайти бўлади.
- ◆ Мева-чеваларни бир-бирига қўшиб қайнатишга айниқса эътибор беринг. Бунда қутилмаганда яна ҳам хушхўр мураббо тайёрлан бўласиз. Шафтоли, нокни қўшиб қайнатиш мумкин.
- ◆ Мураббонинг бир қайнови ичида қолган бўлса, уни албатта янгидан қайнатиш, лимон шарбати қўшишни унутманг.

**ШИНТИЛ ТАБАССУМ**

Икки аёл суҳбатлашаёпти:  
 — Ўғлингнинг аҳволи қалай?  
 — сўради биринчиси.  
 — Паганинига ўхшайди: ну-қул фикжакка ёпишгани ёпишган. Ўзингники-чи?  
 — Кампанеллага ўхшайди: ҳали у қамоққа тушади, ҳали бунисига.

— Нега йиғлаяпсан, жонганим? — эр хотинини эркалади.— Ахир, сафарга бир ойга кетаяпман-ку, бир йилга эмас.  
 — Биламан сени, — хиқиллади хотини, — бир ойга дейсан-у уч кунда қайтиб келасан.

Хотин эридан сўради:  
 — Нега никоҳ узугини тақмаяпсан?  
 — Шунча иссиқда-я! деди эр.  
 Хотин қишда сўради:  
 — Нега никоҳ узугини тақмаяпсан?

— Шунча совуқда-я! — деди эр.

Аёл эрига эркаланди:  
 — Сени мен билан таништириб қўйган кишини эсларсан-а?  
 — Бу бир тасодиф эди, холос. Биронтасини айблагша ожизман, — деди эр хўрсиниб.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилми: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
 эълонлар: 133-28-95, 132-11-39;  
 факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табақ офсет усулида босилади.  
 3871 нусхада босилди. Қўзғат биринчи А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.**  
 Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақам билан рўйхатга олинган

Нашриг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларида ёки «Тошкент поштамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-таъбиқ ақшадорлик компанияси босиб чиқарди. Корхона манази: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.